

ЭКОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ Қ ОНУНЛАРИ ВА ТАБИАТДАН Фойдаланиш масалалари хусусида

Таджибаев Закир Маликович

доцент, Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон, Фарғона ш.

ARTICLE INFO.

Ключевые слова:

экологик қ онунлар, табиий ресурслар, табиий ресурслардан оқ илона фойдаланиш, қ ишлоқ хўжалиги, унумдорлик, самарадорлик, экологиялаштириш, деградация

Abstract

Иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида табиий ресурслардан максимал даражада фойдаланилади, бу эса атроф-муҳитнинг қувватсизланиши ва ифлосланишига олиб келади. Шу муносабат билан табиатдан оқилон фойдаланиш масаласи юзага келади, бу табиий (экологик) қонуниятларни билиш, ва уларнинг талабларини ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида ҳисобга олишни талаб қилади. Мақола, айнан шу муаммога бағишланган бўлиб, у ер ресурсларидан фойдаланишнинг амалий тажрибасини экологик қонунлар талаблари нуқтаи назаридан таҳлил қилади, улар орасидаги катта тафовут мавжуд бўлиб, ер ресурсларининг табиий унумдорлигини пасайишига олиб келган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини оширишнинг зарурий шарти хўжалик фаолиятида экологик қонунлар талабларини ҳисобга олишдир..

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Маълумки кишилик жамияти тараққиётининг сўнги босқичида табиатга босим кучайиб, унга қадимдан хос бўлган ўз – ўзини тартибга солиш қобилятига путр етказиб, экологик характерга эга бўлган глобал инқирозларга олиб келди. Шу муносабат билан иқтисодиётни экологиялаштириш масалалари жамиятни янада ривожланишининг зарурий шарти сифатида юзага келди. Жамият хаёти ва фаолиятининг турли соҳаларини экологиялаштиришда бош масала бу – иқтисодиёт билан экологияни мурасага келтириш ва бунинг учун инсон фаолиятини табиатга ортиб бораётган босимини чеклаш. Қолаверса, инсон фаолиятини фақат табиатдан олиш ва унга ташлашдан қўллаб – қувватлаш (кўмаклашиш) томон буришдир. Бунда энг муҳим масала табиатга хос бўлган экологик қонунларни билиш ва улар билан ҳамоханг бўлган йўналишда инсон фаолиятини такомиллаштиришдир. Шунга кўра, биз қуйида экологияни асосий қонунлари нуқтаи назаридан мамлакатимиз ва уни минтақаларида (Фарғона вилояти) иқтисодиётнинг аграр

соҳасида хўжалик юритиш амалиёти ва уни экологик қонунларга қай даражада мос келишини таҳлил қилиш асосида соҳани самарали ривожлантириш йўналишлари тўғрисида фикр юритамиз.

Экологик қонунлар тўғрисида фикр юритилганда шуни айтиш керакки, уни асосий қонунларига қуйидагилар киради:

минимумлик қонуни; толерантлик қонуни; рақобат истисноси қонуни; Б. Коммонернинг экология “қонунлари”; эволюциянинг қайтарилмаслиги қонуни; ташкил этишнинг мураккаблашиш қонуни; табиий унумдорликнинг пасайиши қонуни; экология учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқалар.

Минимумлик қонуни (Ю. Либих қонуни) – организмнинг чидамлилиги унинг экологик эҳтиёжлари занжиридаги энг заиф звеноси билан белгиланади, яъни яшаш имкониятларини организм ёки экотизимга экологик омиллар, уларнинг миқдори ва сифатининг зарур минимуми чеклайди. Уларнинг бундан кейинги камайиши организмнинг ҳалок бўлишига ёки экотизимларнинг деструкциясига олиб келади.

Либихнинг ёзишича “углерод, водород, кислород ва азотдан ташқари ўсимликлар таркибида калий, фосфор, олтингугурт, калций, темир, магний ва кремний каби элементлар мавжуд. Агар ўсимликнинг дастлабки тўртта элементи сув ва ҳаводан олинган бўлса, унда қолган элементларининг ягона манбаи тупроқдир. Ҳар йили ҳосил билан бирга далалардан кимёвий элементларнинг катта массаси олиб кетилади. Охир-оқибат тупроқ қувватсизланади ва ҳосил пасайишни бошлайди”[1].

Шуни таъкидлаш лозимки, экологиянинг асосий қонунлари орасида Б. Коммонернинг шу хусусдаги “қонунлари” муҳим ўрин тутаяди. Шунга кўра биз қуйида ушбу олимнинг тадқиқотлари тўғрисида батафсилроқ тўхталиб, уларни бугунги кунда ҳам нафақат ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги, балки жуда долзарб бўлиб қолаётганлигини аграр соҳада ердан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш орқали очиб берамиз. Ўз қонунларида Барри Коммонер динамик мувозанат принципига асосланади.

Биринчи қонун. Динамик мувозанат тамойилининг энг яққол ифодаси Коммонер томонидан тузилган биринчи аксиома (постулат)дир - "Ҳамма нарса ҳамма нарса билан боғлиқ".

Олим ўз илмий тадқиқотларида асарларида атроф – муҳитдаги барча компонентлар бири-бири билан боғланган деган фикрни етказишга ҳаракат қилган. Агар инсоният биосферанинг бир жойида бирор нарсани бузса, бу бошқаларга ҳам таъсир қилади. Ҳар қандай таъсир, ҳатто кичик бўлса ҳам, қандайдир-бир оқибатларга, шу жумладан салбий оқибатларга, олиб келади.

Бу тамойил экотизимдаги тирик мавжудотлар ва атроф-муҳит, биосфера ва жамият ва кўплаб тизимларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги жуда кўп сонли алоқаларни кўрсатади.

Иккинчи қонун ёки аксиома шундай дейди: "Ҳамма нарса бир жойга ғойиб бўлиши керак". Бу модданинг асосий сақланиш қонунидан келиб чиқади. Табиатда фақат кейинчалик табиий йўл билан йўқ қилиниши мумкин бўлган моддалар синтезланади. Биринчи тамойилга кўра, ҳар қандай ифлосланиш одамнинг ўзига қайтади.

Учинчи қонун. Америкалик биолог томонидан ишлаб чиқилган учинчи тамойил шундай дейди: "Табиатнинг ўзи яхши билади". У эволюция назариясига асосланади. Замонавий дунёда мавжуд бўлган организмлар ва бирикмалар узок давом етган эволюция ва табиий танланов жараёнининг натижасидир.

Селекция жараёни натижасида жуда кўп миқдордаги моддалардан ер шароитлари учун энг мақбул бўлган ва уларни парчалайдиган ферментларга эга бўлган бирикмалар қолди.

Табиат турларни мавжудлик бўлиши учун рақобат кураши орқали фақат ўзига хос иқлим шароитларига чидамли энг кучли организмларни қолдирди.

Коммонер томонидан олға сурилган охирги тамойил табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш қонунига асосланади ва шундай дейди: "Ҳеч нарса текинга берилмайди" ёки "Ҳамма нарса учун тўланиши керак". Ушбу қонун олдинги учтасини бирлаштиради. Биосфера яхлит экотизим сифатида ягона мавжудликдир. Бир жойда ғалаба, бошқа жойда мағлубиятдир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун маблағларни тежаш инсон саломатлиги, табиий офатлар ва ҳаёт учун қулай шароитларнинг пасайишига олиб келади. Ундан инсон меҳнати натижасида олинган ҳамма нарса охир-оқибатда қопланиши керак. Биз айнан Б.Коммонернинг охирги тезиси, яъни инсон томонидан табиатдан олинган ҳамма нарса охир-оқибат унга қайтарилиши кераклиги тўғрисида фикр юритамиз ва бу ғояни Фарғона вилояти аграр соҳасида ердан фойдаланиш амалиётида таҳлил қилиб, бу амалиётни Б.Коммонернинг қонунларига қай даражада мос келишини кўриб чиқамиз.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим сектори бўлиб, унга ЯММни 28,5%и тўғри келади. Унда 4,2 миллионга яқин одам банд бўлиб, бу мамлакатнинг умумий бандлигини 30%дан ортиғини ташкил қилади. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари пахта билан дондир.

2022-йилда, Статистика агентлиги маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 364,5 трлн. сўм (33 млрд. доллар) ни ташкил қилди. 2022 йилда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми: Мева ва резаворлар – 3 миллион тонна, Узум – 1,8 миллион тонна, қовоқ – 2,4 миллион тонна, Сабзавот – 11,2 миллион тонна, Картошка – 3,4 миллион тонна, Дон – 8 миллион тонна[2].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юқоридагилар билан бирга шуни ҳам таъкидлаш керакки, аграр соҳада энг муҳим табиий ресурслардан бири ва айни пайтда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатида бўлган ер билан боғлиқ талайгина муаммолар мавжуд.

Мамлакатда қишлоқ хўжалиги ер-ресурс потенциалини ерларнинг бузилиши, ифлосланиши ва тупроқ деградацияси келтириб чиқарадиган жиддий муаммолар мунтазам ортиб бормоқда. Бу муаммоларни шартли равишда учта катта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалигини нотўғри ва хўжасизларча бошқариш натижасида тупроқ деградацияси ва унинг унумдорлигини йўқотиш билан боғлиқ бўлган муаммолар;
2. Тупроқнинг бузилишига, ифлосланишига, ҳолдан тойишига олиб келувчи физик ва кимёвий таъсир ўтказиш билан боғлиқ бўлган муаммолар;
3. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг саноат ва шаҳарсозлик қурилиши эҳтиёжларига ажратиш келтириб чиқарган миқдор жиҳатдан қисқариши.

Тупроқ деградацияси – тупроқ функциясининг ўзгаришига, унинг миқдор ва сифат жиҳатидан ёмонлашувига, секин-аста бузилишига ва унумдорликнинг йўқолишига олиб келувчи жараёнлар йиғиндиси. Тупроқ деградациясининг энг сўнгги нуктаси тупроқ қатламини йўқ қилишдир.

Тупроқ деградацияси ва тупроқ унумдорлигининг йўқолиши озуқа моддалари миқдорининг – азот, калий, фосфорнинг камайиши билан тушунтирилади, чунки қишлоқ хўжалик экинларининг барчаси ҳам тупроқдан озуқа элементларини олиб чиқиб кетади. Масалан,

буғдойдан гектарига 40 ц ҳосил олинганда, буғдой дони ва похол билан тупроқдан ўртача 130 кг азот, 50 кг фосфор, 62 кг калий, пахтадан 1 тонна ҳосил олинганда эса, 30-60 кг азот, 10-20 кг фосфор ва 30-60 кг калий олиб чиқиб кетилади. Тупроқдан бошқа экинлар ҳам озуқа элементларини олиб чиқиб кетади (1- жадвал).

Агар олиб чиқиб кетилган озуқа элементлари шундай миқдорда тупроққа қайтарилмаса, кейинги йили худди шу миқдордаги ҳосилни олиб бўлмайди ва тупроқ тобора қашшоқлашиб, тузилмаси бузилиб, хусусиятлари ёмонлашиб бораверади ва пировардида бонитет баллини пасайишига олиб келади. Худди шундай манзарани биз Фарғона вилояти мисолида кўришимиз мумкин.

1-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги экинлари билан тупроқдан олиб чиқиб кетиладиган озуқа элементлари[3]

№	Экин тури	Минерал ўғитлар		
		Азот	Фосфор	Калий
1	Арпа	39	10	37
2	Маккажўхори (кўк масса)	3	1	3
3	Маккажўхори дон учун	20-25	5-7	
0-35				
4	Беда (кўк масса)	5,2	1,3	3,6
5	Тамаки	60	15	40
6	Полиз экинлари (қовун, тарвуз)	2,5	0,6	3,0
7	Карам	3,5-6,0	1,0-1,6	4,0-5,5
8	Картошка	5	1,5	7
9	Помидор	3,7-4,0	1,0-1,2	5,5

Шунга кўра, олдин тупроқда қанча озиклантирувчи моддалар борлигини билган ҳолда ҳосил йиғиштириб олингандан кейин қанча қолганлигини аниқлаб, ўғитлаш тизимини режалаштиришимиз мумкин. Агар шундай қилинса, ерлар қашшоқлашмайди ва деградацияга учраб унумдорлигини йўқотмайди.

Тупроқдан макроэлементлардан (азот, фосфор ва калий) ташқари микроэлементлар ҳам олиб чиқиб кетилади, тупроқ нордонлигининг (кислотность) ортиши, тупроқ зичлашиши, бузилиши, сув ва шамол эрозияси натижасида йўқолиши ҳамда қурилиш ва тоғ-кон ишларида тупроқнинг унумдор қатламини механик равишда олиш ҳам деградация жараёнлари ривожланишига кўмаклашади.

2-расмдан кўриниб турибдики, мустақилликнинг 20 йили давомида тупроқ унумдорлиги Фарғона вилояти бўйича ўртача 10 баллга тушиб кетган. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида (Сўх тумани билан Қўқон шаҳридан ташқари) тупроқ унумдорлиги у ёки бу даражада тушиб, вилоятнинг ўртача кўрсаткичини 10 бирликка пасайишига олиб келган. Маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳозирда жамоатчилик кенгаши ҳам деярли битта функцияни бажаради, унга мувофиқ назорат қиладиган битта асосий кўрсаткич мавжуд, у ҳам бўлса, берилган топшириқ, бошқача қилиб айтганда, маълум бир миқдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятнинг бажарилиши. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, қишлоқ хўжалиги ерлари сифати устидан назорат қилиш учун аниқ равшан белгилаб қўйилган

экологик чекловлар ва тупрокни асраш бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тааллуқли табиатни муҳофаза қилиш талаблари ҳам йўқ. Бунинг оқибати сифатида қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини мунтазам тушиб боришини кузатишимиз мумкин.

2-расм. Фарғона вилояти туман ва шаҳарларида қишлоқ хўжалиги корхоналари фойдаланишидаги ер майдонларининг ўртача балл бонитети[4]

Тупроқ унумдорлигини энг катта йўқотишга йўл қўйган туман Бувайда тумани бўлиб, ушбу туманда пасайиш 22 баллни (72 дан 50 баллгача), Фурқат туманида 17 балл (72 дан 55 гача), Бешариқ, Учқўприк ва Риштон туманларида бу кўрсаткич 15 баллни ташкил қилган.

Шу ўринда айтиш керакки, тупроқ унумдорлиги деградацияга учраётган шароитда қишлоқ хўжалиги экинларидан, қанақа сарф-харажат қилинишидан қатъи назар, юқори ҳосил олиб бўлмайди, муҳими иқтисодий самарадорликка эришилмайди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ер (тупроқ) қишлоқ хўжалигида бир йўла икки функцияни бажаради, ҳам меҳнат воситаси, ҳам меҳнат предмети ва шунга кўра, у бош ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, унга муносабат тўғри йўлга қўйилиб, ундан оқилона (илмий асосда) фойдаланилса, у унумдорлигини йўқотмай, балки ошириб бориши мумкин.

Ер ислохотлари ўтказилгандан кейин ҳеч қандай экологик чекловлар ва талабларнинг йўқлиги ва ерлар майда фермер хўжаликларига берилиши ва бунинг оқибатида кўп сонли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг пайдо бўлиши ва фермер хўжаликларида мавжуд бўлган ерларда экиладиган экинлар деярли тўласича шартномавий мажбуриятлар билан (давлат буюртмаси деб ўқилсин) қамраб олинishi, ерларнинг табиий унумдорлигини тиклашга имкон берувчи экинларни парваришлашга йўл қўймасдан, монокультурага олиб келди. Ҳолат пахта ва ғаллачилик соҳасида кластерлар тузилгандан кейин ҳам ўзгармади. Чунки илгари давлат буюртмаси сифатида тузиладиган ва маҳсулот етиштириш хажми билан ҳосилдорлик белгилаб қўйиладиган шартнома энди кластерлар томонидан айнан аввалдагидек шу тарзда шакллантирилмоқда. Ўз табиатига кўра, кластер уни иштирокчилари ўртасида бир-бири билан фаолият тақазоси туфайли боғлиқ бўлган иштирокчилар манфаатларини уйғунлаштириш воситаси сифатида жорий қилинган бўлса-да, реал ҳолатда буни акси бўлиб чиқди, чунки кластер иштирокчилари ўртасидаги муносабатларда нафақат манфаатлар уйғунлашмади, балки манфаатлар тўқнашуви кучайиб кетди.

ХУЛОСА

Юқоридагиларга кўра, мамлакатда бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган хўжалик механизмини ташкилий-иқтисодий жихатдан такомиллаштириш, айнан шу самарадорликни таъминлаш омилларини албатта қамраб олиши мақсадга мувофиқдир. Бундай омилларга биринчи галда экологик омиллар киради. Чунки хозирда инсон фаолиятининг табиатга таъсири шундай даражага етдики, унда экологик инқирозлар глобал тус олди. Ўз навбатида бунга ҳар бир хўжалик юритувчи субъект у ёки бу даражада “хисса” қўшмоқда. Бунинг оқибати сифатида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш табиат томонидан қўйилаётган чекловларга дучор бўлиб, экологик муаммолар гирдобига тортилмоқда. Шунга кўра, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект табиий ресурслардан фойдаланувчи сифатида ўз фаолиятини амалга оширишда экологик омилларни ҳисобга олиши зарур. Бусиз экологик инқироз тобора кучайиб бораверади. Шунинг билан бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсиш ҳам тобора кўпроқ тўсикка учраб, иқтисодий

самарадорлик ҳам пасайиб бораверади. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, Фарғона вилоятида ерларни деградациясига сабаб бўлаётган омилларни бартараф қилиш, хозирги кунда, аграр соҳа самарадорлигини оширишнинг энг долзарб масаласидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Манба: <http://him1september.ru/2003/10/1.htm>.
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
3. <http://sadovod.jecool.net/vynos-pitatelnykh-veshchestv.html>
4. Манба: Фарғона вилояти ер ресурслари бошқармаси ва давлат кадастри маълумотлари
5. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/107115>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://gov.uz/uz/news/view/10914>
7. Дмитриенко П.К. Природа знает лучше // Химия и жизнь-21 век. - №8. - 1999. - С.27-30.
8. Коммонер Б. Замыкающийся круг. - Л., 1974. - С.32.
9. С.Жакбаров. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш иқтисодий барқарорлик асоси. <https://ekolog.uz/?p=684>